

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ
«Архитектура муҳитлари дизайни» кафедраси

5210900 – «Дизайн» йўналиши бўйча
бакалавр диплом лойиҳа ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мавзу: САВДО МАРКАЗНИНГ АРХИТЕКТУРА ВА
ДИЗАЙН ЕЧИМИ

Битирувчи: Ботирова М
(имзо, Ф.И.Ш.)

Раҳбар: Махмудов В.М
(имзо, Ф.И.Ш.)

Консультант: Махмудов И.В
(имзо, Ф.И.Ш.)

Тошкент – 2012

Кириш

Мустакиллик йилларида президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий кадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур урганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгохларни асраб авайлаш, жахон цивилизацияси тараккиётига улкан хисса қўшган буюк алломаларимиз ва Шаркнинг маърифат бешиги сифатида довруқ қўзғатган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган даврда Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарларимизнинг қўлдоғи тўғрисида халқаро миқёсда нишонлангани бунинг яққол далилидир.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нафакат Ўзбекистон, балки бутун дунё миқёсидаги байрамдир. Мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, Тошкент ватанимиз дорвозаси деб, бежизга айтилмаган. Мамлакатимизнинг асосий шаҳри билан Ўзбекистоннинг барча аҳолиси фахрланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилган "Тошкент шаҳрининг 2200йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни утқозиш тўғрисида"ги қарори бундан амалга ошираётган эзғу ишларимиз изчил ва бардавом эканини янабир бор тасдиқлайди. ЮНЕСКО бош конференциясининг 34-сессияси қарорига қўра, маъмур халқаро ташкилот пойтахтимизнинг юбилейи билан боғлиқ тадбирларда фаол иштирок этади.

Демак, мамлакатимиз пойтахтида кейинги йилларда тарихий обидаларни тиклаш, шаҳарни обод этиш, халқ фаровонлигини оширишда қанақам тарихий аҳамият қўсб этаётган

бунёдкорона ишлар кулами янада янги, юкори боскичга кутарилади. Зотан Буюк ипак йулида жойлашган хамда неча асрлар буйи шонли тарихимиз, миллий кадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алохида урин тутган кадимий ва навкирон шаҳримиз юбилейини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавкеига муносиб равишда нишонлашдек шарафли ва масъулиятли вазифа олдимизда турибди.

Шаҳар мустакиллик йилларида улкан ютуқлар майдонига айланди. Бунда шаркона услубни саклаб қолишга ҳракат қилинди. Шу билан бирга янги ютуқлар ва замонавий архитектура ечимлари қулланилди. Катта узгаришлар юз берди. Шаҳарнинг турли туманларида йулар, қуриқлар қурилди, боғлар барпо этилди, қуркам иншоотлар қурилди. Истироҳат боғлари, бозорлар, аэропорт ва вокзал бинолари тулик таъмирланди. Замонавий меҳмонхоналар, ўзбекистон давлат консерваторияси, маданият саройлари, музейлар, банқлар, спорт комплекслари бунёд этилди. Сунгги йилларда Тошкент янги, замонавий қиёфага кирди. Эски шаҳарни ободонлаштириш ишлари натижасида кенг куча ва йулар, замонавий турар жой бинолари, мактаб ва поликлиникалар, маҳала гузарлари пайдо бўлди.

Пойтахт юбилейига тайёргарлик жараёнида қилинаётган ишлар кулами кенгаймоқда. Катагон қурбонлари музейининг иккинчи ярми, болалар ижодиёти маркази, Тошкент ислом университетининг янги укув биноси қуриб битирилди, «Пахтакор» марказий стадиони тулик реконструкция қилинди.

Пойтахтда тиббий ёрдам курсатиш маркази, қуш микрохирургияси, урология, кардиология, хирургия махсус марказлари қурилди, унлаб замонавий поликлиника ва

соғломлаштириш марказлари ишга туширилди. Пойтахт аҳолисининг уртача турмуш даражаси кутарилди.

Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт ишларига катта эътибор қаратилмокда. Хозирда шаҳарда 2530та спорт иншоотлари бор. Янги урта махсус укув муассасалари ишга туширилди, 30та академик лицейи ва 51та касб-хунар колледжлари эксплуатацияга топширилди. Бу ерда 31та олий укув юртлари фаолият олиб бормокда. Мустақиллик йилларида пойтахтимизда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Ахборот технологиялари университети, Тошкент ислом университети, Авиация институти, Тошкент тиббиёт академияси очилди. Шунингдек халқаро Вестминстер университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетлари филиаллари фаолият бошлади.

Бундан қуришиб турибдики мамлакатимизда ёшлар таълим – тарбиясига катта эътибор қаратилмокда. Айнан шу эзгу ишдарга уз хиссамни қушиш мақсадида «Укув маркази» биноси лойихасини диплом мавзуси сифатида танладим. Бу лойихада билимга чанкок, интилувчан ёшларга қулай укув шароити яратиш, жаҳон стандартларига мос дастурлар асосида уқитиш, бунда фан ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилганман. Шу жумладан мен лойихалаган бу бино замонавий архитектура ва дизайн ечимига эга. Шу билан шаҳримиз кучалари қурқига қурқ қушади.

Архитектура қисми

Масъул рахбар: Бородина М.Р.

Рахбар: Махмудов В.М.

Талаба: Ботирова Д.А.

Бош тарх

Лойихаланаётган бино – Савдо маркази биноси Тошкент шаҳрининг марказий қисмида Шайхонтохур тумани, Абдулла Қодирий кучасида жойлашади. Турон меҳмонхонаси, Грант Осиё ресторани шарқий қисмида жойлашган бўлиб, архитектуравий объект сифатида шаҳар марказидаги маъмурий бинолар композициясини тулдириб туради, шунингдек оммавий зиёрат жойи ҳамдир. Транспорт катнови қулай («Ўзбекистон» метро станцияси, автобуслар ва троллейбус бекати). Бино транспорт йулидан 50м ичкарида жойлашган ва қушимча дарахтлар билан уралган, Бу бинони чанг ва шовкиндан ҳимоя қилади. Бино ярим айлана ва тўртбурчак шакллардан иборат бўлиб, тарз қисми гарбга қараб туради. Савдо хоналари бино узунлиги бўйлаб жойлашган. Бино шимолий ва шарқий томондан боғ билан уралган, ертўлада авто тухташ жойи лойихаланган. Лоихага қура ут учиратиш автомобиллари учун бинога икки томондан қатнаш имконини берувчи айланма йул мулжалланган.

Бинонинг архитектура-тархий ечими

Архитектурага функционалик ва яхлитлилик, қулайлилик ва чирой қаби талаблар билан бир қаторда техник умумийлик ва тежамқорлик талаблари қуйилади. Зиналарнинг тугри тақсимланганлиги, жихозлар ва муҳандислик асбоблари тугри жойлаштирилгани бино қулайлигини оширади.

Бино тўрт қаватдан иборат бўлиб, қаватлар зина билан боғланган. Ҳар бир қавати иккитадан санитар хонаси ва эвакуация зиналари бор. Укув-машгулот, маъмурий, техник ва

дам олиш хоналари бино узунлиги бўйлаб галерея типда жойлашган. Биринчи каватида видео кузатиш техникаси билан жихозланган коровул хонаси, гардероб, ошхона ва унга тегишли булган ёрдамчи булган хоналар, кадрлар булими, ҳисоблаш, директор, тиббий ёрдам ва уқитувчилар хоналари, шунингдек алоҳида кириш эшигига эга булган тренажер хонаси, кийиниб - ечиниш ва ювиниш хоналари лойихаланган.

Бинонинг иккинчи каватида география ва тарих фанларига мулжалланган аудиториялар ва конференц-зал жойлашган. Бинонинг биринчи ва иккинчи каватлари атриум билан боғланган.

Бинонинг учинчи каватида математика ва иқтисод фанларига мулжалланган аудиториялар ва катта лекцион хона жойлашган. Шу каватдан бошлаб каватларни боғлаб турувчи зиналар бинонинг шарқий қисмидан ғарбий қисмига қучирилган.

Бинонинг туртинчи каватида физика, астрономия, биология ва кимё фанларига мулжалланган аудиториялар жойлашган. Астрономия хонасидаги телескопдан фойдаланишга қулайлик яратиш учун бино томининг том қисми ойна билан ёпилган. Бундан ташқари электрон қутубхона ва унга тегишли қушимча хоналар ҳам шу каватда жойлашган.


Бино текис том билан ёпилган бўлиб, томда қуёш батареялари жойлаштирилган. Бу бинони узини узи электроэнергия билан таъминлашга хизмат қилади.

Умуман бинолар ер ости ва ер усти қисмларидан иборат бўлиб, улар бинонинг асосий конструктив элементларидан яъни пойдевор, девор, ораёпма, ёпма алоҳида таянчлар тоз зина ички

тусиқ(парда) деворлар эшик ва деразалардан ташкил топади.Шунингдек пойдевор ҳам ер ости кисми булиб у юқоридан тушаётган юк оғирлигини кабул килади ва асосга узатади.



Асос эса ўз навбатида заминга таркатади.Деворлар уз вазифасига кура юк кутарувчи ва парда деворлар тусиқ шаклини ўтайди.Деворлар хонани ташки мухит таъсиридан химоялайди .Парда деворлар хоналарни бир-биридан ажратиб туради.Улар бир каватнинг узида юк кўтарувчанлик вазифасини ҳам ўтайди.Конструктив хусусиятига кура деворлар юк кутарувчи ва юк кутармайдиган турларга булинади .



Юк кутарувчи деворлар юкорида жойлашган конструкциялар жихозлар, мебеллар ва хоказоларни оғирлигини кутариб туради. Юк кутарувчи деворлар ҳам ички ва ташки деворлар булиши мумкин. Факат хоналарни булиб турувчи парда деворлар юк кутарувчи деворлар ҳисобланмайди. Бундай деворлар одатда пойдеворсиз булади. Ўз-ўзини кутариб турувчи деворлар пойдеворларга ёки пойдевор тўсинига қўйилган устунларга илинган осма деворлар тарзида тўлиқ вазифасини бажарувчи деворлар булиши мумкин. Илинган осма деворлар тарзида тўлиқ вазифасини бажарувчи деворлар булиши мумкин. Илинган деворлар ҳар бир қават баландлигига горизонтал урнатилган элементларга таянади. Алохида юк кутарувчи

таянчлар (вертикал-элементлар –устун тирговуч)нинг вазифаси каватлар аро ёпмалардан тушувчи юкларнинг пойдеворга узатишдан иборат .Ёпма ва қаватлараро ёпмалар бинонинг ички бўшлиғини қаиатларга ажратиб туради.Каватлар аро ёпмалардоимий ва вақтинчалик юкларни кўтариш билан бир каторда деворларни ўзаро боғлайди.Уларнинг устиворлигини таъминлайди ва бутун бинода жойлашган ўрнига қараб қаватлар аро ёпма (қаватларга ажратувчи) падвал усти ора ёпмаси ва ёпма энг юқоридаги ёпма ,тош ёпмалрга бўлин

Архитектурага функционалик ва яхлитлилик, кулайлилик ва чирой каби талаблар билан бир каторда техник умумийлик ва тежамкорлик талаблари куйилади. Зиналарнинг тугри таксимланганлиги, жихозлар ва мухандислик асбоблари тугри жойлаштирилгани бино кулайлигини оширади.

Бино уч каватдан ва ер ости қаватидан иборат булиб, каватлар зина,эскалатор ва лифт билан боғланган. Хар бир кавати иккитадан санитар хонаси ва эвакуация зиналари бор. Савдо дўконлари, гўзаллик салони, техник ва дам олиш хоналари бино узунлиги бўйлаб жойлашган.

Биринчи каватида видео кузатиш техникаси билан жихозланган коровул хонаси, гардероб, ошхона ва унга тегишли булган ёрдамчи булган хоналар лойихалаштирилган, валюта айирбошлаш хонаси лойихаланган.

Бинонинг иккинчи каватида купгина савдо дуконлари, директор кабинети гузаллик салони, ишчилар дам олиш хонаси ва банк жойлашган. Бинонинг биринчи ва иккинчи каватлари эскалатор билан боғланган.

Бинонинг учинчи каватида ресторан жойлашган

Бинонинг ер ости каватида мошиналар учун автотураргоҳ жойлашган.

Бино текис том билан ёпилган.

Курилишда меҳнат хавфсизлиги.

Лойihalанаётган бино – «Укув маркази» биноси Тошкент шаҳрининг марказий қисмида Шайхонтохур тумани, Ўзбекистон қучасида жойлашган. Бино ярим айлана шаклида бўлиб укув-машгулот хоналари бино узунлиги бўйлаб жойлашган. Бино тарзи гарбга қараб туради. Бу жойлашув укув машгулот хоналарининг барчасига қуёш тушишини таъминлайди ва куннинг иккинчи яримида қуёш таъсирида қизиқ қетишини асради. Курилишда санитария ва меҳнат гигиенаси «Курилиш ташкилотларининг ёрдамчи бино ва хоналарни лойihalалаш бўйича қурсатма» (СН – 276-81) асосида режалаштирилган.

Ишчилар махсус қийим ва химоя воситалари билан таъминланган. Курилиш майдонида қучма қолда ташкил қилинган барча қерақли хоналар қурилган. Бино қуриладиган майдон химояловчи тусиқлар билан қегараланган. Ишчилар ва юқ машиналари, қурилишда ишлатиладиган бошқа техника воситалари қатнаши учун иккита дарвоза, йулар ва йулақлар ажратилган. Курилиш майдонида утиш жойлари ва йулақларга ишора қилувчи белгилар ва қонкрет ишлаб қикаиш шароитига мос хавфдан оғохлантирувчи белгилар урнатилган. Курилиш майдони тунда суний ёритиш воситалари ёрдамида ёритилади.

Ёритилганликни тугри танлаш учун қуланма сифатида меъёрий хужжатлардан КМК 2.01.05-98 дан фойдаланилган.

Мехнат хавфсизлиги

Бетон куйиш ишларида меҳнат муҳофазаси.

Яхлит темирбетон конструкциялар ясашда қўлланиладиган қолипларни белгиланган тартибда тасдиқланган ишларни бажариш лойиҳасига мос тарзда тайёрланган ва қўлланилган.

Арматурани тайёрлаш ва ишлов бериш бунинг учун махсус ажратилган ва тегишлича жиҳозланган жойларда бажарилган.

Бетон куйиш машиналарнинг кириб чиқиши учун йулаklar таъминланган.

Монтаж жараёнида меҳнат муҳофазаси.

Огир ва катта улчамли курилмаларни монтаж килиш жараёнида масофадан туриб бошқариладиган яримавтоматик қискичли траверсалардан фойдаланилган.

Хавозаларга юкларни кутариш ва тушириш кутарма кранлар орқали амалга оширилади.

Хавозада ишлайдиган ишчиларнинг барча ёрдамчи хавфсизлигини таминлайдиган мосламаларини текшириб кейин ишга қуйилган. Хавоза 10 кун давомида текширилган.

Қурилиш майдончасидаги барча шахслар ГОСТ 12.4.087-84 бўйича ҳимоя каскалари билан таъминланган.

Дизайн-пардозлаш жараёнида меҳнат муҳофазаси.

Сувок ва буяш ишлари олиб борилаётган жойдан шу

бино баландлигининг туртдан биричалик масофасида тусиклар урнатилган.

Сувок механизми курилмаларидан фойдаланилганда сувокчи билан раствор тайёрловчи орасида рубер оркали алока таъминланган.

Бўёқчилик ишларини бажаришда ГОСТ 12.3.035-84 талабларини бажариш зарур.

Ойна урнатиш ишлари бажариладиган жойлар тўсилган. Ойна урнатишдан олдин дераза тавакалари мустахкамлиги ва яроклилиги текшириб чиқилган.

Ойнани келтиришда махсус контейнерлардан, урнатишда эса вакуум сургичлардан фойдаланилган.

Ёнгин хавфсизлиги буйича чора тадбирлар.

Бинога утга чидамлилиги буйича III-даража берилган.

Бино ёнгин хавфсизлигини таъминлашда ШНК 2.01.02-04 меъёрларидан фойдаланилган. Бинони лойишда ёнгинни огохлантириш ва таркатилишини чегаралаш буйича лойиха ва тадбирлар бажарилган. Зинахоналари, коридорлар, лаборатория хоналари ёнгинга қарши девор билан уралган. Тусиклар жойлашган ҳудудлар тутундан химоялагич ва ҳаво суриш мосламалари билан жиҳозланган.

Бинонинг томи ёнгинга чидамли, утга чидамлилиги камида 2 соат булган темирбетон плиталар билан ёпилган. Бино жойлашган ҳудудда ут учуриш ва тез ёрдам машиналарининг Ўзбекистон қучасидан катновини осонлаштириш учун бинога икки томонидан катнашини

таъминлайдиган йулар лойихаланган. Майдон улчами ут учириш техникаси харакатланиши ва жойлаштириш учун меъёр буйича мос келади.

Лойихаланаётган бинонинг бошка бинолардан узоклиги минимал курсаткич 9м ошади. Бинонинг оралик йулаклари ва зина хоналари ут утказиш курсатгичига кура ва эвакуация системасиги кура хавфсизлик талабларига жавоб беради. Бинонинг ташки кисмида одамларни экстримал вазиятларда тез эвакуация килишни таъминлаш максадида ШНК 4.02.59-07 буйича эвакуация зиналари лойихаланган.

Ёнгинга карши шитлар худуд буйлаб жойлаштирилган ва куйидагиларни уз ичига олади :

Ут учириш мосламаси	2та
Лом	2та
Кум тулдирилган мослама	
Белкурак	2та
Махсус челак	2та
Болта	2та

Бинодан 3та эвакуация чикиш эшиги лойихаланган. Ногиронларни тез эвакуация килиш максадида пандуслар лойихаланган. Бинонинг хар бир каватида эвакуация чизмалари осилган.

Курилиш майдонларида ёнгин хавфсизлиги буйича тадбирлар», ШНК 2.01.02-04 «Ёнгин хавфсизлиги», ГОСТ 12.1.004-85 «МХМТ.Ёнгин хавфсизлиги», ҳамда Ўзбекистон республикаси ИИБ ЁМББ томонидан тасдиқланган умумий қурилиш ишларида «Ёнгин хавфсизлиги қоидалари» асосида ишлаб чиқилган.

Қулланилган адабиётлар:

1. Х.Азимов «Қурилишда меҳнат хавфсизлиги» I қисм
Тошкент 1997
2. Азимов Х.А. «Қурилишда меҳнат хавфсизлиги» II қисм
Тошкент 2003
3. Азимов Х.А. «Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги»
Тошкент 2005
4. В.А.Пчелинцев «Охрана труда в строительстве»
Москва «ВЫСШАЯ ШКОЛА» 1991

Дизайн қисми

Дизайн қисми

Масъул рахбар: Бородина М.Р.

Рахбар: Фоменко Н.Н.

Талаба: Ботирова Д.

Бинонинг ички ва ташки безаги


Бинонинг чиройли ва узига хос тарзи замонавий архитектура талабидир. Бинонинг ажойиб тарзини яратиш hozirgi кунда муҳим аҳамит касб этган бинонинг узига хослигини яратишдир.

Мазкур бино лойихаланаётганда унинг тарз ечимига алоҳида эътибор қаратилган. Бинонинг асосий қисми ойна билан қопланган. Бунда Германия фирмаси SCHUCO ишлаб чиқарадиган шиша панеллардан фойдаланилган.

Фундамент қисми тук қулранг италгранит билан қопланган. Бинонинг қолган қисмлари сайкалланган табиий тош плиталари билан қопланган.

Бино жойлашувига қура «Ўзбекистон» қучасига ён тарзи билан қараб туради. Бино айнан шунга қура одамларни шарқона услубда қутиб олади. Яъни ҳовли қисмини бинонинг узи ураб туради. Қуча тарафга эса фақат бинонинг ташқи деворлари қуришиб туради.

Бинонинг шимолий ва жанубий қисмида уқув машғулот ҳоналари жойлашганлиги учун бинонинг шу қисми ташқи томондан узлуксиз ойна билан қопланган. Бу ойналар бино атрофидаги дарахт ва усимликларни акс эттириб табиат билан уйғунлашиб кетади. Бинони қесиб чиқиш мумкиндек туюлади. Қуча томондан қарасангиз бино урнида шаффоф жисм тургандай бўлади ва гох қуришиб, гох қуринмайди.



Интерьер услуги

Укув маркази биносининг ички худуди тулик мукамаллик туйгусини уйготиши керак. Бу ерда хаммаси уйгун холда булиши керак: хажм ва чизиклар, улчам ва мутаносибликлар, ранг ва контраст, шу билан бир каторда бино ичида харакатланиш ва таълим олиш учун кенг хона ва коридорлар.

Бино интерьери hi tech услубида лойихаланган. Бую кори технологиялар услубидир. Ойна металл ва пластик каби бунда энг куп кулланиладиган материалдир. Айникса туткичлар, зиналар, фермалар, чирокларнинг функционал чиройини ажратиб беради.

Бинога киришингиз билан ката ва кенг фойега тушасиз. Бино ичида дабдабани факат фойеда куришингиз мумкин. Аммо шу дабдабага хам кузга даров ташланадиган ёркин ранглрсиз, жимжима ва безакларсиз хашаматли жихозларсиз эришилган. Фойе полига оч ранглардаги мрамор плиталари ва керамик плиталар ёткизилган. Хар хил рангдаги накш килиб терилган бу плиталар фойе интерьерига узига хос жозиба багишлайди. Полнинг айрим кисмларидаги плиталар 60см чуқурликдаги аквариумга алмашади. Машгулотлардан толикиб чикган уквчи ва укитувчилар шу аквариум устидан утиб, баликларнинг сокин харакати ва сувнинг майин тебранишини кузатиб хордик чикаришлари ва рухий мувозанатларини тиклаб олишлари мумкин.

Деворларига ишлов беришда венециан штукатуркасидан фойдаланилган. Оч рангларга буялган деворлар хонани кенг ва ёруг килиб курсатади. Иккинчи каватга олиб чикадиган зина туткичлари металл ва шишадан ишланган. Фойе ва атриумда дам олиш жойлари ташкиллаштирилган бўлиб, айрим жойларда скамейкалар, айрим жойларда диван, креслолар билан жихозланган, табиий гуллар билан безатилган. Яратилган яшил зоналар ва кенг ойналардан тушиб турадиган куёш нури кишига иликлик беради.

Укув-машгулот хоналари оч рангларда, максимал кузга ташланмайдиган килиб ишланган. Деразалар куёшдан химояловчи жалюзилар билан тусилган. Енгил, ихчам ва трансформацияланувчи жихозлар укув хоналари эксплуатациясини оширади. Хоналарнинг ранги, жихозланиши, куёш нирини истаган вақтда тусиш имкони борлиги электрон материаллар ва голограммалар ёрдамида дарс утиш имконини беради. Айнан шу максадда деворларга накш ва безак берилмаган.

Укув-машгулот хоналари махсус лойихаланган енгил, тахланиб ихчам холга келувчи стол-стул, проектор ва электрон доска билан жихозланган. Стол ва стуллар асоси оч рангдаги енгил ёғочдан, оёқлари никельдан, стул туткичлари эса мустаҳкам кора пластикдан ишланган. Хар бир столга ноутбук урнатилган



Интерьерда ранг ечими

Ранг ечими интерьернинг муҳим элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ранг барча пардозлаш материаллари ва жихозларда намоён бўлади. Хоналарнинг қулай ва шинам бўлиши, ёки аксинча совук ва узидан итарувчи бўлиши куп ҳолларда айниқса ранглارнинг тугри тақсимланганлигига боғлиқ. Шу билан бирга ранг интерьерда энг куп узгарадиган элементдир.

Атрофимизни ураб турган дунё бир биридан фаркланувчи жисмлар, шакллар, бўёқлар ва товушлардан иборат. Бир қарашда бундай хилма хиллик тартибсиздек туюлиши мумкин, лекин табиат уйғунлик ва мувозанатга интилади. Дизайнернинг вазифаси қайсидир маънода табиат вазифаси билан ухшаш-мувозанатлаштирилган ва уйғун композицияга эришиш. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, уйғунлик симметрия билан

синоним эмас, аксинча ортикча тартиблилик дизайн ечимини мазмунсиз килиб қуйиши мумкин.м



Мувозанат ва уйғунликни тартибсиз ва бир хил дизайн орасида жойлашган боғликлик сифатида куришимиз мумкин.шунини таъкидлаш жоизки, кучли белгилар уйғунликнинг бузилиши, мия фаолиятининг кучайишига, натижада хаёл кетиши ва асаб бузилишига олиб келади.композициянинг хаддан зиёд яхлитлиги эътиборни тортишга кодир эмас.

Бундан куришиб турибдики, ранг танлашда кишиларнинг катор психологик хусусиятларини инобатга олиш керак. Шунга кура фойе ранг ечимидакиши эътиборини тортадиган ва тинчлантирадиган оч ранглар ва контраст белгиларни кузатиш мумкин.


Бинонинг ташки кисми учун ранг танлашда бино атрофидаги колорит урганилган. Унинг атрофидаги бино ва усимликларга

уйгун холда мос келиши учун ок, тук кулранг ва оч хаворанглардан фойдаланилган.

Бинони ички ва ташки томондан ёритиш

Ёритилганлик кишиларга рухий таъсир утказгани сабабли бино безагида алохида урин тутади. Бинони табиий ёритишга алохида эътибор каратилган. Кенг тиркишлари бинога узига хос куриниш бериб, хонани кенгайтириб курсатади ва нурга тулдиради. Янги курилиш материалларининг пайдо булиши куёш нуридан факат хоналарни ёритиш учунгина эмас, балки шу хоналарнинг рангларга таъсиридан хам фойдаланиш имконини беради.

Бинони сунъий ёритиш ускуналари бино ичида ва ташкарисида жойлаштирилган булиб, интерьер ва ландшафтга безак берувчи элементлардан биридир.



Сунъий ёритиш афзалликлари кўйидагилар:

Об-хавога боглик эмаслиги

Хоналардан кечки пайт фойдаланиш имкони

Хоналарнинг функциясига кура сифати ва сони буйича ёритиш ускуналарини жойлаштириш имкони

Ёруглик кучи ва рангини бошқуриш имкони

Худуднинг ландшафт ечими

Худуднинг ландшафт ечими лойихаланаётганда аввал худуд урганиб чикилган. Автомобиль катнови учун йул, авто тухташ жойи, сайр килишга мулжалланган декоратив яшил зоналар, дам олиш зонаси ва ката бог лойихаланган. Бино ураб турган ховли марказида стстик фавора жойлашган. Фавора атрофида лентасимон давом этган скамейка жойлашган. Утириш учун

мулжалланган жойи сунъий ёгочдан ишланган.

Бино автомобиль катнови йули буйида жойлашган булганлиги учун чанг ва шовкиндан химоялаш мақсадида ҳар хил баландликдаги усимликлар зинапоя сифатида экилган. Биринчи каторда кесиб, шакл берилган, баландлиги 1м гача булган самшит зич килиб экилган. Самшит доимий яшил усимлик, тук яшил рангли, шохлари зич жойлашган. У соя, яримсоя ва жазирама иссикда яхши усади. Тупрокка талабчан эмас. Исталган шаклга келтириб кесиш мумкин.

Иккинчи каторда баландлиги 3м булган форзиция ораси очик килиб экилган. Форзиция февраль охири ва мартда барг ёзгунга қадар бутун шохини қоплаб оладиган сарик гуллар билан гуллайди. Шаҳар шароитига мос, соя, жазирама иссик ва қурғокчиликга чидамли.

Учинчи каторда баландлиги 20-30м га етадиган клён дарахти экилган. Барг ёзганидан сунг, февраль-март ойларида гуллайди. Қуғокчиликга чидамли. Чанг ва тутун унга таъсир қилмагани учун саноатлашган шаҳарларда яхши усади.

Йул юзидан бино ҳовлисига олиб боровчи йул бўйлаб баландлиги 30м булган, доимий яшил магнолия экилган. Барглари зич жойлашган. Май-июнь ойларида гуллайди. Совук ва жазирама иссикга чидамли.

Бинонинг атрофи бог билан уралган. Бу бог олма, олхури, нок, бодом, анор дарахтларидан ташкил топган. Мевали дарахтлар ёнма ён, динамик композиция асосида, чапдан унга қараб ушиб бориш тартибида экилган. Бундан ташқари гуллари ва барглари ранги инобатга олинган. Уйғун композиция яратиш

максадида куйидаги тартиб кулланилган:

Анор, бодом, нок, олхури, олма

Бодом баргининг ок ранги, олхури дарахти баргининг бинафша ранги колган дарахтларнинг яшил баргидан ажралиб туради. Меваларининг пишиши узлуксиз давом этади.



Туман муҳити экологияси.

Савдо маркази Тошкент шаҳрининг Шойхонтохур тумани Абдулла Қодирий кўчасидаги Турон меҳмонхонасининг шарқи қисмида лойиҳалаштирилган. Бу ҳудуд олдин эски ГАО ТАПОиЧга қарашли бўлиб, текислиқдан иборат бўлган. Бинонинг ғарбий қисмида ёнида анҳор ўтган. Лойиҳаланаётган Савдо маркази Шайхонтохур кўчаси ва Абдулла Қодирий кўчасиларининг кесишган қисмида жойлашган. Бинонинг атрофи дам олиш маскани, меҳмонхона, ресторан, тураржой иншоотлари ва ўқув даргохлари билан ўралган. Ҳудуд экологиясини ўрганган ҳолда ҳудудга мос равишда Ёшлар ижодиёти марказини бунёд этиш экологик тоза материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Савдо марказини бу ерга лойиҳалашдан мақсад шундаки кўчалар Тошкент шаҳрининг марказий қисмида жойлашган. Ҳар тамонлама, қулай, транспортлар кўп ва сер- қатнов бўлиб ижодиёт марказига келувчи инсонлар учун айти муддаодир. Шу ҳудудда жойлашган жамоат биноларида истиқомат қилувчи шахслар учун эса фойдали ва безарар.

Савдо марказининг устки қисми енгил битондан иборат бўлиб у ўзидан ҳеч қандай кимёвий модда ажратмайди. Бинонинг ташқи кўриниши кўчага ўзгача кўрк бағишлайди. Бош тарҳда асосий эътибор атроф муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган. Бу ерларда шаҳар ҳавосини тозалаб турувчи арчалар, қарағай, чинор, терак, чимлар ва бошқа турдаги дарахтлар екилиши кўзда тутилган. Шу қаторда ландшафтда ўзгача безак бериб турувчи гуллар екилиши бино кўркига кўрк қўшади.


Шаҳар ифлосланмаслиги учун йўл бўйларида ахлат солиш учун мўлжалланган мосламалар жойлаштирилади. Ёзнинг иссиқ

хавосида сайир қилувчилар ва меҳмонлар учун қулайлик яратиш мақсадида манзарали ўсимликлар экилиши кўзда тутилган. Савдо маркази биносининг марказий қисмида лойихаланган бўлиб, қишнинг совуқ кунларида баҳор ифोरини тараннум этиб туради. Юқорида такидлаб ўтилганларга қўшимча тарзда шуларни айтиш мумкинки лойиҳа режалаштирилаётган жой экологик жиҳатдан барча талабларга жавоб беради. Бино қурилгандан сўнг бу ҳудуд янада кўркам ва экологик тоза ҳудудга айланади. Қолаверса ён атроф манзарали турли туман дарахтлар ранг - баранг ўсимликлар ҳуш ифор таратувчи гуллар соя салқин берувчи дов дарахтлар билан кўкаламзорлаштирилган озода ва сарамжон саришта ён атрофдаги аҳоли пунктлари учун ҳамда бинода ишловчи ва таълим олувчилар бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар учун ҳам зиё маскани ҳам дам олиш ҳушманзара боғ ва роғлар вазифасини ҳам ўтайдиган ҳудудга айланади.



Ишлатиладиган қурилиш ашёларининг экологик тозалиги.

Савдо маркази лойиҳасига асосан табиий қурилиш ашёларидан фойдаланилади. Фойдаланиладиган қурилиш ашёлари рўйхати: Пўлат, темир, семент, ғишт, керамик сопол плиталар, маёлика, гипс, сирланган керамик плиталар, ойна, табиий ёғоч, мрамар, ва бошқа кўплаб экологик талабларга тўла жавоб бера олувчи қурилиш материаллари. Ҳизмат кўрсатувчи барча кириш ва чиқиш ешиклари, ҳамда дераза ромлари ташқи фазода жойлаштирилган барча ўтириш ўриндиқлари экологик тоза ёғочдан ишланган.



Ёнғингақаршилиқ. Темирбетондан ташкил топган конструкция жуда катта оловга қарши кучга эгадир. Амалиёт шуни кўрсатадики бетоннинг 1,5-2 см даги қалинлиги ёнўин пайтидаги ҳимоя учун етарлидир.

Темирбетон –бу энг экологик тоза қурилиш материалларидан биридир ,чунки уни ташкил этадиган компонентларнинг барчаси табиий ашёлардир-кум,цемент,оҳак,тўлдирувчи, ваҳоказолар.Бизнинг иссиқ иқлимимизда иссиқлик таъсирида ҳеч қандай зарарли газлар ишлаб чиқазмайди.